# ПАХТА ҲОСИЛИ ЭРТАКИ, МЎЛ ВА ОЗУҚА БАЗАСИ МУСТАҲКАМ БЎЛСИН!

## Тошкент область партия комитетида

Область партия комитетининг бюроси область пахтакорлар советининг 1986 йилда пахтадан мўл ва эртаки ҳосил етиштириш, 1986—1987 йил чорва қишлови учун мустаҳкам озуқа запасини тайёрлаш юзасидан тавсияларини маъқуллади.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, область агросаноат комитети, «Ташоблсельхозхимия» бирлашмаси, хўжаликларнинг бошланғич партия ташкилотларига ушбу тавсияларни бригада коллективларида кенг муҳокама қилиш, ғўзанинг ривожланишидаги қолоқликни зудлик билан бартараф этиш, мўл ва эртаки ҳосил етиштириш учун парваришни кучайтиришга қаратилган конкрет агротехник ва ташкилий тадбирларни белгилаш, бу вазифаларни ҳал этиш учун моддий-техника ва меҳнат ресурсларини тўла сафарбар қилиш, ҳар бир хўжалик ва бригадада пахтакорлар совети тавсияларининг аниқ бажарилиши устидан амалий назорат ўрнатиш, озуқа тайёрлашни бутун чоралар билан кучайтириш юзасидан зарур тадбирларни амалга ошириш, 1986—1987 йил чорва қишлови учун дағал ва ширали озуқа жамғаришда интизомсизлик ва масъулиятсизликка йўл қўяётган хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларига нисбатан қатъий талабчан бўлиш вазифасини топширди.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» область газеталари ҳамда барча район газеталари редакцияларига 1986 йилда пахтадан мўл ҳосил етиштириш ҳамда чорвачилик учун мустаҳкам дағал ва ширали озуқа тайёрлаш юзасидан хўжалик ва бригада коллективларининг социалистик мусобақасини кенг ёритиш, ишни ташкил этишдаги мавжуд камчиликларни, моддий-техника, меҳнат ресурсларидан, сувдан фойдаланишдаги нуқсонларни қатъийлик билан очиб ташлаш, уларни тезроқ бартараф этилишига эришиш топширилди.

1986 ЙИЛДА ПАХТАДАН ЭРТАКИ ВА МЎЛ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШ, 1986—1987 ЙИЛ ЧОРВА ҚИШЛОВИ УЧУН МУСТАҲКАМ ОЗУҚА БАЗАСИНИ ВУЖУДГА КЕЛТИРИШ ЮЗАСИДАН ОБЛАСТЬ ПАХТАКОРЛАР СОВЕТИНИНГ

# ТАВСИЯЛАРИ

ПАРТИЯ XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1986 йил июнь Пленуми қарорлари асосида тузилган ўн иккинчи беш йиллик планида Ўзбекистон агросаноат комплексининг ҳамма тармоқларини янада жадал суръатлар билан ривожлантириш мўлжалланган. Бу йўналишда бизнинг областимиз қишлоқ меҳнаткашлари ҳам катта ва масъулиятли вазифаларни ҳал этишлари керак. Ҳар доимдагидек пахтачилик қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан бири бўлиб қолаверади. Шунингдек, чорвачиликнинг озуқа базасини янада мустаҳкамлаш асосида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни бутун чоралар билан кўпайтириш лозим бўлади.

Колхоз ва совхозларнинг пахтакорлари, озуқакорлари КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасини қизғин маъқуллаган ҳолда 1986 йил ва умуман ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига актив қўшилдилар.

Ҳозир пахта ва озуқа экинларига қизғин ишлов бериляпти. Сув запасларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш тадбирлари амалга ошириляпти. Кўпгина хўжаликларда беданинг учинчи ўримига киришилди. Озуқа запасларини табиий пичан ҳисобига бойитиш чоралари кўрилмоқда.

Шу билан бир қаторда бир қанча хўжалик ва районларда экинларга комплекс агротехник ишлов беришда сусткашликка йўл қўйилмоқда, ғўза ва озуқа экинлари парваришида индустриал технология талаблари бузилмоқда, озуқа тайёрлаш суръатлари жуда паст.

Оққўрғон, Бўка, Чиноз, Янгийўл ва Пискент районларидаги кўпгина хўжаликларда ғўзанинг ривожи 8—10 кунга кечикяпти, Коммунистик, Бўка, Янгийўл районларида ўсишдан орқада қолаётган экинларга органик ўғитлар бериш яхши уюштирилмаган. Ғалаба, Пискент, Коммунистик ва Янгийўл районлари хўжаликларида ғўзаларга ёппасига ўргимчаккана тушишига йўл қўйилган.

Беда ўримида ҳам уюшқоқлик сезилмаяпти. Бир қатор хўжаликларда ҳар бир ўрим орасидаги муддат 30—35 кунга чўзиб юборилмоқда. Масалан, 7 июлгача бўлган маълумотга қараганда суғориладиган майдонлардаги учинчи беда ўрими Оққўрғон районида 5 процентни, Бўка районида 10 процентни, Янгийўл районида 12 процентни ташкил этди. Янгийўл, Чиноз, Бўка районларидаги кўплаб хўжаликларда маккажўхори бегона ўтлардан тозаланмаган, ўсишдан орқада қоляпти. Коммунистик, Оққўрғон, Бўка, Ғалаба, Пискент районларида дағал озуқа тайёрлаш плани 30—38 процент бажарилди, холос.

Кейинги кунларда ҳарорат кескин кўтарилиб кетганлигига қарамай бир қатор колхоз ва совхозлар сув запасидан фойдаланиш ва суғориш ишларини уюштиришда назоратни сусайтириб юборганлар. Сувчилар етишмайди, тунги суғориш йўлга қўйилмаган, сувларни дренаж ва коллекторларга оқизиб қўйиш ҳоллари учраяпти. Шундай хатоларга йўл қўйилаётган Бўка районидаги Тимирязев номли ва «Октябрь 40 йиллиги», Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли, Оққўрғон районидаги «Озод», Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги», Янгийўл районидаги «Октябрь» ва «Партия XXI съезди» колхозларида, Пискент районидаги «Пискент» ва Чиноз районидаги «Партия XXIV съезди» совхозларида ҳамда бошқа бир қатор хўжаликларда ғўза ва маккажўхори чанқатиб қўйилмоқда, ўримдан сўнг бедазорларга сув кеч таралмоқда.

Ҳозир пахта, маккажўхори ва озуқа лавлагисидан мўл ҳосил етиштириш, чорвачилик учун дағал ва ширали озуқалар тайёрлаш ишларини уюштиришда масъулиятли давр бошланди.

Бу меҳнат коллективларидан, мутахассислардан агросаноат комплекслари раҳбарларидан ғўзага ишлов беришда ташкилотчиликни кучайтириш, озуқа тайёрлаш ишларини жадаллаштириш, моддий-техника ва меҳнат ресурсларини ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йили қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига оид мураккаб ва масъулиятли вазифаларни ҳал этишга сафарбар қилишни талаб этаётир.

Шу мақсадларда область пахтакорлар Совети июль ва август ойларида қуйидаги ташкилий хўжалик комплекс тадбирларини амалга оширишни зарур деб ҳисоблайди.

### ПАХТАДАН МЎЛ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШ

ИНСОН омили роли оширилиши лозим. Одамлар ҳақида қайғуриш хўжалик раҳбарларининг доимий диққат эътиборида бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади. Дала шийпонларида меҳнаткашлар учун мунтазам иссиқ овқат тайёрланиши, намунали медицина хизмати йўлга қўйилиши, колхозчиларнинг ва совхоз ишчиларининг юксак унум билан ишлаб яхши дам олишлари учун бошқа ҳамма зарур шарт-шароитларни яратиб бериш тавсия этилади.

Ғўза ривожининг ҳолатига қараб ҳар бир бригада хўжалик ва районда тажрибали пахтакорлар, мутахассислар иштирокида ҳосил тўплашдаги қолоқликни бартараф этиш юзасидан аниқ агротехника тадбирлари ўтказиш графиги белгиланиши лозим. Бригада аъзоларининг интизомини мустаҳкамлаш ва масъулиятини ошириш мақсадида ҳар бир цикл иш сифат комиссияси томонидан қабул қилиб олинади.

Ғўзаси ёппасига ҳосил тўплай бошлаган асосий майдонларда мавжуд барча культиваторларнинг тўхтовсиз ишлашини, ишчи органларининг тўлиқ осилган бўлишини таъминлаш муҳимдир. Ҳамма чопиқ тракторларида махсус тўсқичлар ўрнатилган, культиваторнинг рама ва бошқа қиррали жойлари юмшоқ мато билан ўраб қўйилган бўлиши керак.

Ҳозир культивациянинг сифатига, айниқса, жиддий эътибор бериладиган пайт. Эгатларнинг ўртаси 16-18 сантиметр чуқурликда юмшатилиши, ён томондаги ишчи органлари 8-10 сантиметр чуқурликда юмшатадиган қилиб, ҳимоя зонаси эса 15-18 сантиметр масофада ўрнатилиши керак. Ҳар гектар майдондаги кўчат қалинлигининг тўла сақланиб қолиши юзасидан механизаторларнинг масъулиятини ошириш лозим бўлади. Минерал ўғитлар солишни тугатиб ғўзаларга, айниқса, ўсишдан орқада қолаётган ва кўчат сийрак бўлиб қолган майдонларга гектар ҳисобига 10—15 тоннадан маҳаллий органик ўғит (суюқ, чириган, эланган гўнг) бериш пайти келди. Ҳар бир хўжаликда органик ўғитларни тўплаш ва карталарга олиб чиқиш билан шуғулланувчи техника ва ишчи кучларини етарли ажратиш бу ишга масъул шахсни бириктириб қўйиш зарур. Ҳар сувдан сўнг карталарда кўзга ташланадиган бегона ўтларни қўлда юлиб туриш керак бўлади. Асосий эътибор охирги культивация билан эгат олишнинг сифатига қаратилади. Қатор оралари майда юмшатилган, эгат қаторларнинг ўртасидан тўғри чизиқ бўйлаб тортилган ган бўлиши керак. Ана шунда биринчи машина теримида ҳосил ерга кўп тўкилмайди.

Июль ва август ойининг боши пахтадан мўл ҳосил тўплашда ҳал қилувчи давр. Бу пайтда муҳим агротехник тадбир — ғўза чеканкаси ҳам ўтказилади.

Чеканканинг самараси уни ўтказиш муддатини ғўза ривожининг ҳолати, кўчатнинг қалинлигига қараб мослаштирилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Айрим майдонларда ғўзалар ғовлаган ва кўчат қалинлиги ҳар хил бўлиб қолган бу йилги шароитда, бу айниқса, муҳимдир. Илғор бригада, колхоз, совхоз ва районларнинг иш тажрибаларини ҳисобга олиб ғўзада камида 14—16 та ҳосил шохи ва 2—3 тадан бўлиқ кўсак пайдо бўлганда чеканкага киришиш мақсадга мувофиқдир.

Чеканкани ғўзаси ғовлай бошлаган участкадан бошлаш керак. Ҳамма хўжаликларда чеканка қиладиган машиналардан фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўларди. ЧВХ-4, ЧВХ-3,6 ва ЧХТ-4Б мосламалари 15 июлгача сифатли созлаб тракторларга осиб қўйилиши керак. Аппаратнинг пичоқлари ғўза тупининг учидан кўпи билан 2—3 сантиметр қисмини кесадиган қилиб ўрнатилади. Ғўза тупларининг учи бир текис кесилишини таъминлаш, механизмнинг уни эзиб юборишига йўл қўймаслик муҳимдир. Бунинг учун ғўзани чеканка қилаётган механизаторлар механизм қайишларини вақти-вақти билан таранг тортиб, у ва аппарат пичоқларини чарҳлаб туришлари керак. Ҳар бир механизатор қайишлар, пичоқ ва эговлар билан етарли миқдорда аввалдан таъминлаб қўйилиши лозим.

Ғўза тупини чеканка аппаратига тўғрилаб берувчи мослама эгатнинг ўртасидан юрадиган қилиб ўрнатилади. Шунда агрегат ҳаракат қилган пайтда ён шохлар, ҳосил элементлари шикастланмайди. Бунинг учун тракторни 2 ва 3-тезликда бошқариш лозим. Чеканкани бошлашдан аввал механизмлар тўла кўздан кечирилади, болт ва гайкаларнинг мустаҳкам тортилганлиги, қайишларнинг таранглиги, керакли жойларнинг мойланганлиги текширилади. Тракторчилар чеканка мосламасини ишлатиш ва хавфсизлик техникаси билан яхши таништирилган бўлишлари керак.

Чеканкани бошлашдан аввал ҳар бир хўжаликда бу ишга жалб этиладиган механизаторлар, колхозчилар, совхозларнинг ишчилари билан махсус семинарлар ўтказилади, чеканканинг усули ва муддати белгиланади, ҳар бир картани чеканка қилиш графиги тузиб чиқилади.

Баъзи далаларда ғўза баланд-паст бўлиб ўсганлигини ҳисобга олиб механизация ёрдамидаги чеканкани икки марта ўтказиш керак. Бунда бир йўла ё культивация қилиш ёки эгат олиб кетиш маъқулдир. Чеканкадан сўнг карталарга ишчи кучлари сафарбар этилиб, ҳосилли ён шохларнинг учи қўлда чилпиб чиқилади.

Маълумотларга қараганда июль-август ойларида ўргимчаккана, кўсак қурти ва қисман жойларда шира каби зараркунанда ҳашаротларнинг тез кўпайиб, пахта майдонларига ёйилиши кутилмоқда. Шу муносабат билан зараркунандаларни қириб ташлаш тадбирларини кучайтириш керак бўлади. Бунинг учун ҳар бир хўжаликда кузатувчилар тайинланади. Улар зараркунанда пайдо бўлган участкани аниқлаш билан бирга фойдали ҳашаротлар (энтомофаг) миқдорини ҳам белгилашлари керак. Ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича мутахассисларнинг кўрсатмаларига асосан зараркунандаларга қарши дори сепилади.

Зараркунандаларга биологик усулда курашиш мўлжалланган хўжаликларда кучли таъсир қиладиган заҳарли химиявий моддалардан фойдаланиш мумкин эмас. Акс ҳолда зараркунандаларнинг кушандаси бўлган фойдали ҳашаротлар қирилиб кетиши мумкин.

Ўргимчакканага қарши биринчи навбатда одамларга ва атроф-муҳитга ортиқча хавф туғдирмайдиган олтингугурт кукунидан гектар ҳисобига 20—25 килограмм, коллоидли ва намланадиган олтингугурт порошогидан 5-8 килограмм, бир даражали оҳак-олтингугурт қайнатмаси сепилади.

Кельтан, изофен (акрекс), омайт каби химиявий моддалар фойдали ҳашаротларга кучли таъсир қилишини ҳисобга олиб, уларни июлнинг иккинчи ярмида асосан қўл аппаратларидан фойдаланиб гектар ҳисобига камида 600 литр ҳажмдаги эритмаси сепилиши керак.

Ўргимчаккана пахта майдонларининг ўртасигача ёйилиб кетмаслиги учун бригадалар ўртасидаги йўлларга доимо сув сепилиб, карта четларидаги ғўза туплари ювилиб турилади.

Кўсак қурти ҳосилга катта зарар келтиради. Шунинг учун пахта майдонлари билан ёнма-ён жойлашган маккажўхори далаларини кузатиб туриш керак бўлади. Маккажўхори майдонидаги кўсак қуртлари ғўза карталарига ўтиб кетмаслиги учун маккажўхорини қисқа муддатда ўриб-йиғиб олиш лозим. Ана шунда кўсак қуртининг кўп қисми қирилиб кетади.

Пахта майдонларида ҳам, маккажўхоризорларда ҳам кўсак қуртига қарши биринчи галда биологик усулда кураш олиб борилади. Кўсак қурти тухумларига қарши ҳар 4—5 кунда жами 3 марта трихограмма фойдали ҳашароти тарқатилади. Ёш кўсак қуртига қарши эса гектар ҳисобига 2-3 килограмм миқдорида дендробациллин ва битоксибациллин каби микробиопрепаратлар сепилади. Ўрта ёшдаги кўсак қуртларига қарши гектарига 200—300 донадан габробракон фойдали ҳашароти тарқатилади.

Ширага қарши дори сепишда фойдали ҳашаротлар ҳисобга олиниши керак. Агар ҳар туп ғўзада ўртача 2 та ва ундан кўп фойдали ҳашарот бўлса бу майдонга заҳарли дори сепилмайди. Иложи борича майдонларнинг бошидан охиригача дори сепмасликка ҳаракат қилиш керак. Қўлда дори пуркаладиган аппаратлардан фойдаланиб зараркунанда ҳашаротлар тарқала бошлаган участкаларнинг ўзигагина дори сепиш керак.

25 августдан бошлаб РАПО мутахассисларининг кучи билан карталарнинг машина теримига тайёрлигини қабул қилиб олишга киришилади. Бунда далаларнинг бегона ўтлардан тозаланганлигига, суғоришнинг сифатига, қатор ораларининг йирик кесак кўчмайдиган қилиб майин культивация қилинганлигига ҳамда чеканканинг сифатига асосий эътиборни қаратиш керак бўлади.

Ҳамма ерда ғўзани дефолиация қилиш ва ҳосилни йиғиб-териб олишга ўз вақтида, сифатли тайёргарлик кўриш ишлари кенг авж олдирилиши керак.

Пахта териш машиналари, тўкилган пахтани терадиган механизмлар, кўсак терадиган ва чувийдиган машиналар, пахта ташийдиган трактор принцеплари 1 августгача, ОВХ аппаратлари, аэродромлар, дефолиантлар эса 20 августгача ишга тахт қилиб қўйилиши лозим.

### ЕМ-ХАШАК ЖАМҒАРИШНИ БУТУН ЧОРАЛАР БИЛАН КУЧАЙТИРИШ

Асосий эътибор бедага ишлов беришни тубдан яхшилашга қаратилиши керак. Ҳар бир хўжалик ва бригадада бедани ўриш технологиясига қатъий амал қилинишини таъминлаш, навбатдаги ўримга 20—25 кундан сўнг киришиш, бу йил камида бедани 5—6 марта ўриб олишга эришиш керак. Ҳозир маккажўхори ва озуқа лавлагиси парваришини ҳам кучайтириш зарур бўлган пайтдир. Ҳар гектар майдондан камида 50—60 центнердан маккажўхори дони, 500 центнердан силосбоп кўк масса, 600—800 центнердан озуқа лавлагиси йиғиштириб олишга эришиш керак. Асосий майдонлардаги маккажўхори ҳосилини қисқа муддатларда ўриб-йиғиб олиш учун поток усулини қўллаш, 15 июлгача уни қайта экишга улгуриш, августда жавдар, рапс, перко каби оралиқ экинларни экишни тугатиш, август ойида сепиладиган беда майдонларини имкони борича кенгайтириш лозим.

Озуқа тайёрлашда пичан ва сомонни пресслаш, силос ва сенажни консервантлар ҳамда оқсилларни қўшиб бостириш, ўт уни тайёрлаш, сунъий қуритиш каби илғор технологияларни кенг қўлланиш, ариқ-зовурларнинг ёқаларидаги табиий ўт-ўланлардан пичан тайёрлаш ишларини давом эттириш керак.

### СУВ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ, СУҒОРИШНИ УЮШТИРИШ

Кунлар қаттиқ исиб бораётганлигини ҳисобга олиб озуқа экинларини чанқатиб қўймай, ўз вақтида суғориш ва шу йўл билан ҳосилнинг йўқотилишига йўл қўймаслик чораларини кўриш лозим. Бунинг учун сувчиларни кўпайтириш, унумли ишлашлари учун дала шийпонларида уларга маданий-маиший шароитлар яратиб бериш, ҳар бир бригадага экинни айниқса тунда суғоришни назорат қилиб борадиган масъулиятли шахсни бириктириб қўйиш керак бўлади.

Аввалги сувдан сўнг қатор ораларини юмшатмай туриб яна экинга сув беришга йўл қўйиб бўлмайди. Бу экиннинг ўсиб ривожланишини тўхтатиши, ҳосил элементларининг тўкилиб кетишига олиб келиши мумкин.

Шуни ҳисобга олиш керакки, чеканка қилинганидан сўнг ғўзанинг сувга талаби кескин ошади. Демак бу даврда ғўзанинг қай даражада чанқаганлигини ҳисобга олиб ўз вақтида сифатли суғориш керак бўлади.

Ҳозир беда ўриб олингандан кейинги суғоришга алоҳида эътибор бериладиган пайтдир. Биринчи сув ўримдан 3—4 кун ўтгандан сўнг берилади. 10—12 кундан сўнг эса қайта суғорилади.

Маккажўхори сўталай бошлади. Шу муносабат билан ҳозир тупроқда доимо керакли намлик бўлиши лозим. Бу мўл дон ва салмоқли силос массаси олишнинг муҳим шартидир.

Сувчилар ўртасида сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш ва экинларни сифатли суғориш учун ўзаро социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириш, ғолибларни июль, август ойида моддий ва маънавий рағбатлантириб туриш чораларини кўриш керак.

* * *

Область пахтакорлар Совети барча колхозчиларни, совхозларнинг ишчиларини, бригада бошлиқларини, мутахассисларни, хўжаликларнинг раҳбарларини июль — август ойларида далаларда зарбдор меҳнат вахтасини уюштиришга, пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил тўплашга эришишга, КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди қарорларини бажаришга муносиб ҳисса қўшишга чақиради.

**УШБУ ТАВСИЯЛАР ОБЛАСТЬ ПАХТАКОРЛАР СОВЕТИНИНГ КЕНГАШИДА МАЪҚУЛЛАНГАН.**

*11 ИЮЛЬ—НАВБАТДАГИ ЯГОНА СИЁСИЙ КУН*

# МЕҲНАТСИЗ ДАРОМАДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

Совет кишилари партия XXVII съезди томонидан мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш юзасидан олдинга сурилган вазифаларни ўзларининг жонажон ишлари деб қабул қилдилар. Бизнинг жамиятимизда халқ бахт-саодати йўлидаги ҳалол меҳнат социалистик мулкни мустаҳкамлаш, Ватаннинг иқтисодий ва мудофаа қудратини, ҳар бир оила моддий фаровонлигини ўстиришнинг асосий манбаи, жамият барча аъзоларининг коммунистик руҳда тарбиялашнинг энг муҳим шарти эканлигини яхши тушунган совет кишилари жамоат бойлигини кўпайтириш учун фидокорона ва виждонан меҳнат қилмоқдалар.

Сўнгги вақтда мамлакатда жамият ҳаётининг барча соҳаларида ҳуқуқ-тартибни мустаҳкамлаш юзасидан анчагина ишлар қилинди. Бироқ, бу йўналишдаги куч-ғайратни ҳеч вақт бўшаштирмаслик керак. Тарбиявий иш самарасини бундан буён ҳам ошириб бориш, қонунчиликни тинмай такомиллаштириш керак. КПСС Марказий Комитетининг 1986 йил июнь Пленумида биз бундан буён ҳам жамиятимизда соғлом муҳитни мустаҳкамлаш учун қатъий ва сабот-матонат билан ишлашимиз, социализмга ёт бўлган ичкиликбозлик, меҳнатсиз даромадлар каби ҳолатларни таг-томири билан йўқотиш учун тинмай курашишимиз керак, деб айтилган сўзлар барча совет кишилари қалбидан мустаҳкам жой олди.

КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши партия XXVII съезди кўрсатмалари ва йўл-йўриқлари реал амалга ошаётганлигидан далолат беради.

Қарорда таъкидланганидек, бизнинг жамиятимизда одамлар талон-торож, чайқовчилик, порахўрлик билан, ғайри-қонуний фаолиятнинг бошқа турлари билан шуғулланиб, меҳнатсиз даромад олаётганликларини кўрсатувчи бирталай фактлар бор. Уларнинг баъзилари давлатга тегишли машиналар, механизмлардан, транспорт воситаларидан, уй-жой майдонидан, ёқилғи, хом ашё ва материаллардан бойлик орттириш мақсадида фойдаланмоқдалар. Савдо, маиший, коммунал, медицина хизмати корхоналари ва муассасаларида, ўқув юртларида кўрсатилган хизмат учун қўшимча ҳақ ундириб олиш, тушган пулни ўзлаштириш, гражданларни алдаш, ошна- оғайнигарчилик фактларига йўл қўйилмоқда. Мансабдор шахслар кўпинча хизмат мавқеидан ғаразли мақсадларда фойдаланиш йўлига ўтиб олмоқдалар. Социалистик турмуш тарзига мос келмайдиган бундай ярoқсиз ҳолатлар меҳнаткашларнинг манфаатларига зид бўлиб, совет гражданларини ҳақли равишда ғазаблантирмоқда.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш бўйича қабул қилган янги қарорлари яхлит комплекс программадир. Унга фақатгина ташкилий ва ҳуқуқий, иқтисодий тадбирларгина эмас, шу билан бирга жамиятимизни янада соғломлаштиришга қаратилган ғоявий-тарбиявий тадбирлар ҳам киради.

Илгари меҳнатсиз даромадларга қарши кураш олиб борилмас эди, деб бўлмайди. Бироқ сўнгги вақтларда йўл қўйилган нуқсонлар ва камчиликлар хўжалик ҳаётидаги бюрократизм, турғун ҳолатларнинг кучайиши, кўпгина бошқа салбий ҳодисалар, айниқса бундай ҳодисалар етмишинчи йилларда ва саксонинчи йиллар бошларида кучайган эди, даромад бундай турининг кенгайишига олиб келди. Бунинг бошқа сабаблари ҳам бўлди. Унинг бири шундаки, замонавий тўғри қонунлар амалда қўлланилмади ёки чалакам-чатти қўлланилди.

КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми ва партия XXVII съездидан сўнг КПСС Марказий Комитети хўжалик механизмини такомиллаштириш, жамиятимиздаги салбий ҳодисаларга қарши курашни кучайтиришга қаратилган қатор қарорлар қабул қилди. Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши, меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш ҳақидаги қарорлар шулар жумласидандир. Ҳозирги вақтда партия сўзда эмас, балки амалда биздан социал адолат принципининг таъминланишини талаб этмоқда.

Бизнинг республикамизда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва ундан кейин бўлиб ўтган пленумлари қарорларида социал аҳволни соғломлаштиришнинг мустаҳкам асоси яратилди, у республика Компартиясининг XXI съезди қарорларида янада мустаҳкамланди.

Тошкент области меҳнаткашлари барча совет кишилари қатори КПСС Марказий Комитетининг меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш тадбирлари тўғрисидаги қарорини тўғри тушуниб кутиб олдилар. Эндиликдаги вазифа совет ва жамоат ташкилотлари, соф виждонли барча меҳнаткашлар чайқовчилар, порахўрлар, текинхўрлар атрофида умумхалқ нафрати вазиятини вужудга келтиришлари, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилувчи органлар эса уларнинг қилмишига яраша жазоланишини таъминлашлари керак.

Меҳнат коллективлари ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органларининг биргаликдаги куч-ғайрати билан сўнгги вақтда бу йўлда муайян ишлар амалга оширилди. Моддий бойликларни талон-торож қилишга олиб келувчи кўпгина йўллар тўсилди.

Маълумки, давлат ва жамоат мулкининг сақланиши моддий бойликлар ва пул маблағларини сарфлаш устидан назоратнинг, ҳисоб-китобнинг тўғри йўлга қўйилишига боғлиқ. Бироқ бухгалтерия ходимлари айрим вақтларда ҳисоботларни тузишда қатъий тартибга амал қилмайдилар, ревизиялар пала-партиш ўтказилади. Ана шундай шароитда талон-торож ва ўғирликларнинг олдини олиш қийин бўлади. Бундан қора ниятли кишилар фойдаланадилар.

Янги Тошкент консерва комбинатида пул маблағларини талон-торож қилиш уч ярим йилдан бери давом этиб келаётганлиги маълум бўлди. Бухгалтерия ҳисоботи қоидаларига амал қилмаслик, турли хил бланкалар, муҳрлар ва штампларнинг сақланишига совуққонлик билан муносабатда бўлиш комбинат ходимлари томонидан Тошкент шаҳридаги улгуржи-чакана конторалар ва район озиқ-овқат савдоларининг моддий масъул ходимлари билан комбинатга шиша идишларни топширишда товарсиз операция қилганлар. Бунинг оқибатида давлатга 500 минг сўмликдан кўпроқ зарар етказилган. Ваҳоланки, шу давр мобайнида комбинат молия-хўжалик фаолиятини тўрт марта тафтиш қилинган. Лекин уларнинг бирортасида ҳам талон-торожлар аниқланмаган.

Халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатувчи соҳаларни жадал ривожлантириш меҳнатсиз даромад қилувчи шахсларга қарши муваффақиятли кураш олиб бориш имконини беради. Шу нарса сир эмаски чайқовчилар, текинхўрлар, корчалонлар товарлар ва хизмат кўрсатишнинг камёблигидан шахсий бойлик орттиришда фойдаланадилар. Масалан, Тошкент области ички ишлар органлари ходимлари 1986 йилнинг биринчи ярмида ўтказган тадбирлар давомида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини областдан ташқарига олиб чиқиб кетаётган 636 та енгил ва 99 та юк автомашинаси ушланган. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан чайқовчилик қилишнинг 21 факти аниқланган, бир неча киши жиноий жавобгарликка тортилди. Бироқ, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органлари чайқовчиликка қарши курашни янада активлаштиришлари керак. Бутун аҳолининг ҳам бу курашдан четда қолмаслиги ҳам муҳимдир.

Совет савдоси қоидаларини қўпол равишда бузиш ҳоллари ҳамон давом этмоқда. Уй-жой таъминотидаги қийинчиликлар, санаторий ва дам олиш уйларига бориш учун берилаётган йўлланмаларнинг камлиги маълум категориядаги кишилар томонидан ғаразли мақсадларда фойдаланилмоқда. Бу ҳам меҳнаткашларнинг ҳақли норозиликларига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам меҳнатсиз даромад қилишнинг бундай манбаларини зудлик билан йўқотиш керак.

Ҳозирги вақтда Тошкентда бўш турган квартираларни аниқлаш бўйича иш олиб борилмоқда. Бундай квартиралар шаҳар ижроия комитетига уй-жойга муҳтож бўлган оилаларга бериш учун топширилмоқда. Дастлабки текшириш натижасида анчагина бўш квартиралар аниқланди. Бу иш бундан буён ҳам давом эттирилади. Барча гражданлар ана шундай фактлар тўғрисида милиция органларига ва ижроия комитетларга маълум қилишлари керак. Бу социал адолатни мустаҳкамлаш ишига ёрдам беради.

Давлат транспортидан шахсий мақсадларда фойдаланиш ҳамон давом этмоқда. Майда ўғирликларга қарши курашни кучайтириш масаласи кескин бўлиб турипти.

Жамиятимиз қонунларини, социал адолат принципларини қўпол равишда бузаётган шахсларга нисбатан кураш самарасини кучайтириш мақсадларида СССР Олий Совети Президиуми 1986 йил 23 майда «Меҳнатсиз даромад топишга қарши курашни кучайтириш тўғрисида» Фармон чиқарди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1986 йил 26 июндаги «Ўзбекистон ССРнинг айрим қонунчилик актларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Фармони билан ҳам амалдаги қонунчиликка қатор ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, порахўрликнинг энг хавфли турлари учун жавобгарлик янада кучайтирилди. Чунки бу жиноят давлат ва жамоат ташкилотларининг нормал фаолияти ва обрўсига, гражданларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига катта зарар келтиради. Ўзининг хизмат мавқеини қонунсиз бойлик орттириш мақсадларида фойдаланувчи шахслар учун меҳнатсиз даромад манбаи бўлиб хизмат қилади. Пора олганлиги учун фақатгина мансабли кишилар жавобгарликка тортилади. Лекин бу мансабли шахс бўлмай туриб, бажарилган иш ёки савдо, умумий овқатланиш, маиший, коммунал, медицина, транспорт хизмати кўрсатганлиги ёки аҳолига бошқа турдаги хизмат кўрсатганлиги учун қонунсиз ҳақ олган кишилар жазоланмай қолади, деган гап эмас. Бу ерда гап сотувчилар, официантлар, ателье усталари, сартарошлар, такси шоферлари, билет кассалари кассирлари, медицина муассасалари ходимлари ва бошқалар ҳақида бормоқда.

Майда чайқовчилик учун жавобгарлик ҳам кучайтирилди. Агар майда чайқовчилик учинчи марта такрорланадиган бўлса, унинг айбдори жиноий жавобгарликка тортилади ва ахлоқ тузатиш ишларига бир йил муддатгача юборилади ёки 300 сўмгача жарима солинади. Жиноятлар кодексида меҳнатсиз даромадлар топишга қарши курашни кучайтиришга қаратилган бошқа қўшимчалар ва ўзгартишлар ҳам киритилди.

Ҳуқуқий актлар, иқтисодий ва ташкилий тадбирлар меҳнат ва истеъмол меъёри устидан умумхалқ назорати ўрнатилган шароитларидагина ижобий самара бериши мумкин. Меҳнатсиз даромад олишнинг ҳар бир кўриниши принципиал ижтимоий баҳо олиши керак. Енгил-елпи бойлик орттириш ишқибозлари ўзларининг қилмишлари учун албатта жазо олишларини билишлари учун улар умумхалқ нафрати билан қуршаб олиниши лозим. Бизнинг социалистик жамиятимизда фақат меҳнатгина кишининг мавқеини белгилайди. Бу ҳар бир совет гражданининг муҳим бурчи, шон-шараф ишидир.

ЕМ-ХАШАК ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» НАЗОРАТИДА

# СУСТКАШЛИК ЯХШИЛИККА ОЛИБ БОРМАЙДИ

ҲОЗИРГИ кунда чорвачиликдаги энг муҳим вазифа — қорамоллар маҳсулдорлигини пасайтирмаган ҳолда қишловга мўл ва сифатли ем-хашак жамғаришдан иборат. Буни барча хўжаликларнинг раҳбарлари, мутахассислари, чорвадор ва озуқакорлар яхши билишади. Лекин ҳар йили емхашак тайёрлашда бир қатор муаммолар, қийинчиликлар юз беради. Масалан, бу йил ёғингарчилик бўлмади, қуруқ келди. Табиий ўтўланлар яхши ўсмади. Бу озуқакорлардан суғориладиган майдонларнинг ҳар қаричидан самарали фойдаланиб, беда ва бошқа озуқа экинларидан мўл ҳосил олиш ҳисобига ем-хашак базасини мустаҳкамлашни талаб этмоқда. Кўпгина колхоз-совхозларда иш тўғри юритилмоқда. Ҳозиргача йиллик озуқа жамғариш плани 60—70 процент бажарилди.

Бўка районида ҳам бундай хўжаликлар бор. Масалан, «Партия XX съезди», «Ленинизм», Тимирязев номли, «Партия XIX съезди» колхозларида ем-хашак тайёрлаш суръати кўтарилиб бормоқда. Ички имкониятлар топилмоқда ва ишга солинмоқда.

Афсуски, бундайлар сони жуда кам. Район хўжаликларида ем-хашак тайёрлашнинг бориши ҳақидаги маълумотга назар ташлар экансиз, илғорлар билан қолоқлар ўртасида жуда катта тафовут борлигини кўрасиз. Улар нимагадир қўшниларидан ўрнак олмаяптилар, тажрибаларини ўрганмаяптилар.

Ильич номли колхозни олиб кўрайлик. Бу хўжаликда эндигина йиллик планнинг 20 проценти миқдорида дағал озуқа тайёрланди, холос. Бошқача қилиб айтганда 1985 йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 264 тонна кам хашак жамғарилди. Хўш, нега шундай бўлди?

Аввало хўжаликдаги аҳволни атрофлича таҳлил қилиш учун масалага кенгроқ ёндашиш керак бўлади. Чунки колхозда ем-хашак танқислиги бирдан майдонга келмади. Биргина 1984—1985 йилларни олиб кўрайлик. Қорамолларни қишловдан олиб чиқиш учун 41-минг сўм қўшимча маблағ сарфланди. Шундан 17 минг сўмига бевосита чекка хўжаликлардан хашак сотиб олинди. 1986 йилда ҳам қўни-қўшнилардан ялиниб-ёлбориб олиб келинган силос ҳисобига мол боқилди. У ҳам тезда тугади.

Энди қишловдан аранг чиққан молларга озуқа керак эди. Шундай қилиб, колхозда эрта кўкламда ҳали ўсиб улгурмаган, бўйи бир қарич бедалар мажбуран ўриб едирилди. Мутахассислар ёш бедани ўриб беришга беришди-ю, уни суғоришни, озиқлантиришни унутишди. Шундай қилиб, кўпгина бедазорлар ола-чалпак бўлиб қолди.

Колхозда озуқа экинлари экишни планлаштириш ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Белгиланган 100 гектар ўрнига 70—80 гектар ерга беда ва бошқа озуқа экинлари экилди. Бунинг устига ҳозирги кунда мавжуд 125 гектар бедазорнинг 15 гектари уруғлик учун қолдирилди. 10 гектар ердаги беда шўр босиб, қуриб йўқ бўлиб кетди. Натижада аҳвол янада мураккаблашди. Қолган 100 гектар ердаги беда 650 бош қорамолни ёз ойларида кўклай озуқа билан боқиш учун базўр етмоқда. Колхозда эса бу йил 2750 тонна дағал озуқа тайёрланиши керак!

Қулмурод Иброҳимовнинг колхозга раис бўлиб сайланганига эндигина бир ой бўлди. У бизнинг мулоҳазаларимизни тинглар экан шундай деди:

— Ҳақиқатан ҳам аҳвол ташвишли, лекин қўл қовуштириб ўтиришдан фойда йўқ. Ҳозир хўжалигимизда ем-хашак тайёрлаш учун оммавий сафарбарлик эълон қилинди. Асосий эътибор табиий пичан тайёрлашга қаратилмоқда. Қамиш, шўра сингари ўтлардан АВМ агрегатида ўт уни ишлаб чиқарилмоқда. 40 гектар ердаги арпа ўриб-йиғиб олиниб, ўрни шудгорланди. Энди маккажўхори экилади. 40 гектар майдонга кеч кузда едириш учун оралиқ экинлар экишни режалаштирдик.

Белгиланган тадбирлар яхши. Лекин улар ҳозирча режа, холос. Бизнингча, ишга тезроқ киришиш керак. Мавжуд имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш талаб этилади. Чунки вазият шуни тақозо этмоқда.

Райондаги Жамбул номли, Мичурин номли Карл Маркс номли колхозлар, «Кўкорол» ва «Кремль» совхозларида ҳам дағал озуқа тайёрлашда сусткашликка йўл қўйилмоқда. Беда ўрими сабабсиз равишда чўзилиб кетяпти. Мавжуд техникадан, ишчи кучларидан самарали фойдаланилмаяпти. Шунинг учун ҳам ҳозиргача бу хўжаликларда райондинг ўртача кўрсаткичидан паст миқдорда озуқа тайёрланди.

Витаминли ўт уни қорамолларни, айниқса, соғин сигирларнинг маҳсулдорлигини оширишда катта аҳамиятга эга. Афсуски, бу соҳада ҳам райондаги бир қатор хўжаликларда амалий иш қилинмаяпти. Масалан, «Коммунизм», «Октябрь 40 йиллиги» колхозлари ҳамда «Гулистон» совхозида ҳалигача бир килограмм ўт уни ишлаб чиқарилмади. Айни кунларда қамиш, шўра ва бошқа бегона ўтлар ўт уни тайёрлашда жуда катта резервдир.

Бугунги куннинг талаби фақат мўл озуқа жамғаришдан иборат бўлиб қолмаслиги керак. Аксинча, емхашак сифатини ошириш, иложи борича озуқа таркибида тўйимли моддаларни, витаминларни сақлаб қолиш лозим. Афсуски, районда деярли биронта хўжаликда тайёрланаётган ем-хашакнинг сифати классы бўйича таҳлил олиб борилмаяпти. Ҳатто мутахассислар бу савол улар учун янгиликдек елка қисишмоқда. Текширишлар кўпгина колхоз-совхозларда ғарамланаётган пичан сифатининг анча пастлигини кўрсатмоқда. Бу эса қишда қорамолларга нормадагидан ортиқча озуқа сарфлашга, пировард натижада маҳсулот таннархининг қимматлашишига олиб келади. Шунинг учун ҳозир бутун диққат-эътиборни озуқа экинларини, хусусан, бедани ўз вақтида ўриб-йиғиб олишга қаратиш керак.

1985—1986 йил қишлови учун районда 49 минг тонна дағал озуқа жамғарилиши белгиланган. Бу топшириқни бажариш учун ҳар бир хўжаликда ем-хашак тайёрлашни пухта ташкил этиш талаб этилади. Райондаги ҳозирги суръат эса анча паст. Район агросаноат бирлашмаси раҳбарлари мутахассислари, колхоз-совхозларнинг озуқачилик бригадаларининг аъзолари ишни жадаллаштиришлари керак. Ана шундагина бу муҳим вазифа муваффақиятли бажарилади.

**Ф. МУҲИДДИНОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**





**▲ ОҚҚЎРҒОН районидаги С. Сегизбоев номли совхознинг Пернебек Салимов бошчилик қилаётган озуқачилик бригадаси аъзолари бу йил 76 гектар бедазордан 450 тонна сифатли пичан тайёрлаш учун курашмоқдалар. Айни кунларда бригадада бедазорларни озиқлантириш, суғоришга катта эътибор берилмоқда. Суратларда: (чапдан) бригада бошлиғи П. Салимов; беда ўрими пайти.**

А. Зуфаров фотолари.

## Дўстлигимиз мустаҳкамланаверсин

В. И. Ленин ва Сухэ-Батор асос солган совет — монгол қардошларча дўстлиги икки халқнинг буюк ютуғи бўлиб қолди. Тошкент жамоатчилиги вакилларининг 9 июль куни Монголияда халқ демократик революциянинг 65 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилишида шу ҳақда гапирилди.

Йиғилишда сўзга чиққан нотиқлар Улуғ Октябрь таъсири туфайли Монголияни мустамлакачилик зулмидан озод қилиш мумкин бўлганлигини таъкидладилар. КПСС билан МХРП ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик — совет — монгол муносабатларининг мустаҳкам пойдевори бундан буёнги тараққиётнинг гаровидир.

Совет Иттифоқи билан Монголия Халқ Республикаси ўртасидаги кўп томонлама алоқалар йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Бу алоқаларнинг ривожланиб боришига Ўзбекистон салмоқли ҳисса қўшмоқда. Республиканинг олий ўқув юртларида монгол йигит ва қизлари мамлакатга зарур бўлган ўнлаб касбларни ўрганмоқдалар. Қардош мамлакат вакиллари Ўзбекистон завод ва фабрикаларида совет касбдошларининг иш тажрибасини ўзлаштирмоқдалар. Ўзбекистон ССР билан МХР ўртасидаги маданий алоқалар йил сайин кенгаймоқда.

Йиғилиш В. И. Ленин номли Марказий музейнинг Тошкент филиалида бўлиб ўтди. Бу ерда Монголия Халқ Республикасига бағишланган фотосуратлар кўргазмаси ташкил этилди.

Тантанали йиғилишда МХРнинг Тошкентдаги Бош консули Цэдсурэнгийн Буянтогтох нутқ сўзлади.

**(ЎзТАГ).**

## 80 МИНГ СЎМЛИК САМАРА

**▲ ТОШКЕНТ мотор заводининг қурилаётган инженерлик — лаборатория корпусида еттита ўрнига битта қувур-ариқлар қолдирилди. Рационализаторлардан М. Гофман, В. Зажицкий, В. Квирнадзелар сув таъминотининг энг мақбул схемасини таклиф этдилар. Натижада қувурлар сонини қисқартиришга муваффақ бўлинди. Қарийб 80 минг сўм самара кўрилди.**

**(ЎзТАГ).**

АТЕИСТ-ЛЕКТОРЛАРНИНГ РЕСПУБЛИКА ЗОНАЛ СЕМИНАРИ

# МУҲИМ БУРЧ

Кеча Тошкентда илмий атеизм бўйича лекция пропагандаси лекторлари ва ташкилотчиларининг республика зонал семинар-кенгаши ўз ишини тугатди. Тошкент, Жиззах ва Сирдарё областларининг идеология ходимлари икки кун давомида атеистик тарбиянинг қатор масалалари ва муаммолари кенг доирасини муҳокама қилдилар. КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни белгиладилар.

Семинар-кенгаш қатнашчилари олдида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Советининг масъул ходимлари, таниқли жамиятшунос олимлар докладлар ва ахборотлар билан чиқдилар. Партия комитетлари ва «Билим» жамиятининг энг яхши атеист лекторлари ўзларининг иш тажрибалари ҳақида гапириб бердилар. Республика областларида атеистик тарбиянинг йўлга қўйилиши ва лекция пропагандасини ташкил этиш бўйича ўзаро тажриба алмашишди. Тошкент область партия комитетининг секретари Ш. З. Камолхўжаев ўз докладида пойтахт областида бу иш қандай олиб борилаётганлиги ҳақида гапириб берди.

Маълумки, КПСС XXVII съезди қарорлари асосида атеистик тарбияни кучайтириш бўйича область партия ташкилотининг вазифалари шу йилнинг май ойи ўрталарида бўлиб ўтган партия активи йиғилишида муҳокама қилинган эди. У идеология ишининг, шу жумладан лекция пропагандасини, область меҳнаткашлари ва аҳолисини атеистик руҳда тарбиялаш услуб ва усулларини қайта қуриш учун муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Семинар иштирокчилари атеистик тарбия бўйича олиб борилаётган ишларни тўғри баҳолаб, шуни ҳам таъкидладиларки, бу иш ҳали ҳам лозим даражада олиб борилмаяпти, уни йўлга қўйишда катта камчиликлар бор. Атеистик пропаганданинг ғоявий ва методик даражаси оширилиши керак. Унинг самарасига ўқилаётган лекциялар ва амалга оширилаётган тадбирлар сонига қараб эмас, кишиларда атеистик эътиқодни шакллантиришда ифодаланган пировард натижаларга қараб, диний урф-одатларнинг камайишига қараб баҳо бериш керак. Турар-жойларда атеистик тарбияни олиб бориш ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилиш зарур.

Семинарда илмий-атеистик пропаганданинг сифати ва самараси аввало кадрларга ва активга боғлиқлиги таъкидланди. Бу ишга яхши тайёргарлиги бўлган пропагандист-атеистлар жалб қилиниши керак.

# ЖАНГОВАРЛИК ВА ТАЪСИРЧАНЛИКНИ ОШИРАЙЛИК!

**Кеча Тошкентда атеистик пропаганда масалаларига бағишланган зонал семинар-кенгаш ўз ишини тугатди. Унда Тошкент, Сирдарё, Жиззах областларидан келган атеист-лекторлар атеистик пропаганданинг хилма-хил проблемалари хусусида фикр алмашдилар. Махсус мухбиримиз унда қатнашган айрим атеист лекторлар билан учрашиб, улардан атеистик тарбия ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишни илтимос қилди.**

**Абдулла ЭЛИБОЕВ, Бекобод район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудири:** — Семинар-кенгашнинг фойдаси катта. У атеистик тарбияни олиб боришда эски усуллардан воз кечилаётганлигини яна бир бор кўрсатди. Ҳақиқатан ҳам умумий гаплар, рақамлардан конкрет ишга ўтиш вақти келди.

Шу муносабат билан бир масала устида тўхталмоқчиман. Гап шундаки, биз яқинда А. Мавлонов номли совхозда уруш ва меҳнат ветеранларининг тантанали йиғилишини ўтказдик. Йиғилиш охирида ҳурматли 46 нафар ветеранни маданият ва истироҳат боғида ясатиғлик дастурхонга таклиф этдик. Иттифоқо улардан уч кишининг рўза тутгани маълум бўлиб қолди. Иззат-ҳурмати жойида, қолаверса, суяги меҳнатда қотган, уруш оловларида чиниққан бундай кишиларни рўза тутишга нима мажбур қилди экан? Уйда катта хонадон эгалари, ўғил-қиз, набиралар уларнинг ажойиб ишларидан ибрат олиб, ҳавас қилишса, мана бундай қолоқ одатларидан ҳайрон бўлиб ажабланишмайдими? Хулоса шуки, атеистик пропаганда янада ҳужумкор, асосли, таъсирчан бўлиши керак.

## БИЗНИНГ СУҲБАТ

**Эрмат БОЙМАТОВ, Коммунистик район давлат санитария назорати станцияси бош врачи:** —Семинар-кенгашда табиий ва «муқаддас» жойлар тўғрисида кескин фикрлар айтилди. Аммо бу соҳада кейинги вақтда анчагина хайрли ишлар амалга оширилди. Бунда республика ҳукуматининг Хотира кунини ўтказиш тўғрисидаги қарори сўзсиз, катта аҳамиятга эга бўлди.

Мана, ўзимиздан қиёс. Районимиздаги барча мозорлар тартибга келтирилмоқда, улар ободонлаштирилиб, одамлар ҳордиқ чиқарадиган, яқинларини ёдга олиб, уларнинг эзгу ишларини эсга оладиган кўркам масканга айлантирилмоқда. «Бордонкўл» мозори илгари ҳувуллаб, ташландиқ ҳолда ётарди. Қишлоқ аҳли, жамоатчиликнинг кучи билан у бошқача кўринишга эга бўлди. Одамлар ҳозир қишлоқнинг энг сўлим кўчаларидан бири қаер, десангиз «Бордонкўл»ни кўрсатишади. Бу ерда қишлоғимизнинг асл фарзандлари, эл-юртга меҳнати сингган кишилар абадий уйқуга бош қўйганлар...

**Озода ҒУЛОМОВА, республика илмий атеизм уйи область филиали лектори:** — Касални яширсанг иситмаси ошкор қилади, деган мақол бор. Диндорлик турли-туман кўринишлар, ҳар хил шаклларда намоён бўлади. Дин ва унинг эскича маросимлари ҳар қанча товланиб кўринмасин, унинг замирида риёкорлик, таъмагирлик каби иллатлар ётади, бошқача айтганда, меҳнатсиз даромадлар никобига яширинган бўлади.

Битта мисол келтираман. Зангиота аллақачон ўзининг диний нуфузини йўқотиб, область меҳнаткашлари назарида энг муҳим халқ ёдгорликлари қаторида тилга олинади. Қолаверса, бу ерда яхшигина кўргазма зали бўлиб, у атеистик пропаганданинг таъсирчан ўчоғига айланган. Кишилар бу ерга ана шу зални томоша қилгани, аждодларнинг дин ва унинг ярамас шариатлари туфайли юз берган ўтмишдаги фожиаларидан огоҳ бўлиш учун ташриф буюришади.

Зангиотага яқин жойдан катта кўча ўтади. Бу ерда ҳозир ҳам баъзан ғалати тасодифларнинг гувоҳи бўлиш мумкин. Меҳнатсиз даромадларга ўрганган айрим кишилар кўчага, панапастқам жойда туриб олишиб, садақа пул ва аллақанай чойчақаларга кўз тикиб туришади. Саидвали Ортиқов, Алиқул Турсунов, Маҳкам Юсуфалиев, Бува Жумаев ва бошқалар ана шундай ўз ироdaларини қўлга ололмаган кимсалардир. Турмуш тарзимизни хиралаштириб турган бундай шахсларнинг ғаламисликларига қарши кўплашиб курашишимиз керак.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

# «ҲАМОН ЎЗГАРИШ ЙЎҚ»

**Газетанинг шу йил 8 май сонида босилган юқоридаги сарлавҳали мақолада ДОСААФ область комитетига қарашли автомактаблар ҳамда спорт-техника клубларида ҳайдовчилар тайёрлашдаги жиддий нуқсонлар кўрсатиб ўтилган эди.**

**Худди шу мазмунда ўтган йили ҳам газета саҳифаларида 3 та мақола босилган эди. Уларга ДОСААФ область комитети ва Ўзбекистон ДОСААФ марказий комитети раҳбарларидан олинган жавобларда спорт-техника клублари ҳамда ҳайдовчилар тайёрлашни яхшилаш учун қатор тадбирлар белгиланган деб кўрсатилган эди. Афсуски бу мактаблардаги аҳвол шу кунгача ўзгармай қолганлиги мазкур мақолада яна танқид қилинди.**

**Мақолага Ўзбекистон ДОСААФ марказий комитетининг раиси А. Хожибековдан жавоб олинди. Жавобда ДОСААФ область комитети адресига айтилган жиддий эътирозлар текширишда тўла тасдиқланганлиги кўрсатилади.**

**ДОСААФ область комитети ишида жиддий камчиликларга йўл қўйгани, ҳайдовчилар тайёрлашга раҳбарлик қилолмаганлиги учун ДОСААФ область комитетининг раиси У. Г. Шокиржонов вазифасидан бўшатилган ва бошқа ишга ўтказилган.**

**ДОСААФ область комитетининг қарори билан Чиноз ва Коммунистик районларидаги спорт-техника клубларининг бошлиқлари Р. Мамутов ва С. Ботирбеков, Оққўрғон ва Чиноз район комитетларининг раислари Р. Хисетметов, З. Турғунбоевлар ҳам вазифаларидан бўшатилган. Камчиликка йўл қўйган бошқа шахслар ҳам маъмурий йўл билан жазоланди.**

**Ўзбекистон ДОСААФ марказий комитети ДОСААФ область комитетининг ўқув ташкилотларида техник мутахассислар тайёрлаш ишини алоҳида назоратга олган.**

# ХАЛҚАРО АҲВОЛ

## СЪЕЗД ШАРАФИГА ВИСТАВКА

ПРАГА, 8 июль. (ТАСС). Прагада очилган ва КПСС-нинг XXVII съездига бағишланган виставка «Халқ билан партия — бирдам» деб аталди. Виставкани Клемент Готвальд номидаги Прага музейи Москва шаҳар марказий революция музейи билан биргаликда ташкил этди.

Виставканинг фотосуратлари, плакатлари, диапозитивлари ва бошқа экспонатлари совет халқининг тинчлик ва социал тараққиёт учун кураши тўғрисида ҳикоя қилади, халқаро майдонда КПСС фаолияти билан таништиради, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатида КПССнинг роли тўғрисида, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг ҳамкорлиги ҳақида ҳикоя қилади.

Виставканинг махсус бўлимлари совет халқи СССР-нинг Энергетика ва Озиқ-овқат программасини қандай амалга ошираётганлиги тўғрисида ҳикоя қилади. Совет фани ва техникасининг ютуқлари, атроф муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги бўлим кенг ўрин олган. Кўпгина диаграммалар ва плакатлар Совет Иттифоқи ҳамда бошқа социалистик мамлакатларнинг тинчлик тўғрисидаги таклифлари нақадар муҳимлигини таъкидлайди.

## ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

▲ ХАНОЙ. Вьетнамда баҳорги шоли ҳосили ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш тез суръатлар билан бормоқда. Вьетнам Социалистик Республикаси марказий статистика бошқармасининг хабар қилишича, шу кунгача мамлакат шимолий вилоятларининг ўзидангина ватан омборларига 300 минг тоннадан кўп дон келиб тушди. Бу — ўтган йилдагидан анча кўпдир. Харид сиёсатининг такомиллаштирилиши натижасида тайёрловчилар шу муваффақиятга эришдилар. Кейинги йилларда давлат қишлоққа минерал ўғитлар, техника, ёнилғи-мойлаш материаллари, кенг истеъмол моллари етказиб беришни яхшилаш юзасидан кўп куч-ғайрат сарфламоқда. Бу эса кооперативлар ва давлат тайёрлаш ташкилотлари ўртасида мустаҳкам алоқалар ўрнатилишига кўмаклашмоқда.

▲ ДУБЛИН. Ирландиядаги Шэннон халқаро аэропортида иш ташлаганлар билан полиция ўртасида қаттиқ тўқнашувлар бўлиб ўтди. Мана саккиз ҳафтадирки, тартибни сақлаш хизмати ходимларининг забастовкаси давом этмоқда. Улар аэропорт маъмурларидан иш ҳақининг оширилишини ва янги меҳнат шартномаси тузилишини талаб қилмоқдалар. Уларнинг талабини транспорт ишчилари ва малакасиз ишчилар бирлашган касаба союзи маҳаллий комитети қўллаб-қувватлади. Юзлаб одамлар маъмурият ёллаган сотқинларнинг йўлини тўсдилар. Иш ташлаганларга қарши полиция куч ишлатди.

▲ ҚОҲИРА. Миср Араб Республикаси ташқи ишлар давлат министри Бутрос Гали Миср Совет Иттифоқи билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга, савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларни кенгайтиришга интилаётганлигини айтди. У «Маю» газетаси мухбири билан суҳбатда Совет—Миср муносабатларининг ривожланиши Яқин Шарқда ва бутун Ер юзида адолатли тинчлик ўрнатиш жараёнига ижобий таъсир ўтказади, деди.

▲ ХАРАРЕ. Жанубий Африкадаги олтин ва олмос қазиб олинадиган энг йирик корхоналарда, шу жумладан энг катта «Англо —Америкэн» миллатлараро корпорациясига қарашли корхоналарда қудратли иш ташлашлар бошланди. Оранжевая вилоятидаги «Гедалт» олтин қазиб олиш шахтасининг икки ярим минг нафар кончиси ишга чиқмади. Бундан ташқари, иш ташлашда Кимберли шаҳридаги «Дэбирс» компаниясига қарашли ҳамма тўртта олмос конининг 2 минг нафардан ортиқ ишчиси қатнашмоқда. Иш ташловчилар фавқулодда ҳолат амал қилиб турган кезларда қамоққа олинган барча касаба союз раҳбарлари дарҳол озод этилишини, ишлаб чиқаришда ирқий камситишларнинг тугатилишини талаб қилмоқдалар. ЖАР кончиларининг мамлакатдаги энг йирик миллий иттифоқи вакилининг гапига қараганда, забастовка ишчиларнинг талаби батамом қондирилмагунча давом этаверади.

**(ТАСС, 8 июль).**



**▲ НИКАРАГУА халқи Американинг қуролли интервенцияси хавфига қарши тайёрланмоқда. Ёш республиканинг минглаб ишчилари ва деҳқонлари сандиночилар халқ милицияси сафига кирмоқдалар. Жангчилар қурол ишлатишни ўрганмоқдалар. Суратда: бу ёш никарагуалик қиз ўз Ватанини ҳар қандай агрессор ҳуружидан ҳимоя қилиш учун қўлига қурол олди.**

ТАСС фотохроникаси.

## ЭРОН ИРОҚҚА ҚАРШИ УРУШДА АФҒОНЛАРДАН ФОЙДАЛАНМОҚДА

КОБУЛ, 8 июль. (ТАСС). Эрон маъмурлари сохта пропаганда, дўқ-пўписа ва таҳдид таъсири остида Эрон территориясига келиб қолган афғонлардан Ироққа қарши урушда тобора кўпроқ фойдаланмоқдалар. Кейинги кунларнинг ўзидагина Исфахон ва Шамсобод шаҳарларида яшовчи салкам 500 киши чақириқ қоғози олди. Зўрлик билан сафарбар этилган афғонлар фронтга жўнатилишдан олдин Машҳад шаҳри яқинида жойлашган ҳарбий лагерда таълим олишади. Жанг қилишни истамаётган кишиларни қамоққа олиб, турмаларга ташлашади, бу ерда улар ниҳоятда мудҳиш шароитларда сақланади. Яқинда жанг ҳаракатларида қатнашишдан бош тортган 180 киши қамоққа ташланди, деб хабар қилди БАХТАР агентлиги.

Мажбур қилишдан ташқари бошқа методлардан ҳам фойдаланмоқдалар. Эрон ҳукумати афғонларнинг ишга жойлашувини қасддан тақиқлаб қўймоқда. Яшаш учун ҳар қандай маблағлардан маҳрум бўлиб қолган афғонлар ўзини ва оила аъзоларини боқиш мақсадида сариқ чақа учун армияда хизмат қилишга ёлланишга мажбур бўлмоқдалар.

